УзССР Давлат китоб палатаси
Инв.

Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 27 (66002) 1997 йил, 5 апрель, шанба | Сотувда эркин нархда

Кабутар қанотидаги мактублар

МАКТАБИМИЗ БОҒИ БОР...

Ишонасизми? Яқинда мактабимиз ҳовлисидаги ўрик гулларига тикилиб туриб, ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Негаки, мактабимиз билан қачонлардир хайрлашиб кетган ака-опаларимиз экишган дарахтлар ёнига бирорта ҳам кўчат ўтказмабмиз. Шу боисдан синфдошларимиз билан келишиб, мактабда бир боғ барпо этишга аҳд қилдик. Ташаббусимизни бошқалар ҳам маъқуллашди.

Дастлаб, мактаб атрофига 200 дан ортиқ терак қаламчалари экдик. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунларини ободончилик ва кўкаламзорлаштириш учун сафарбарлик куни деб эълон қилдик. 5-, 6- синф ўқувчилари билан биргаликда 30 туп атиргул, 10 туп ўрик ва бошқа мевали дарахтлар кўчатлари қададик. Ниятимиз мактабда кўркам бир боғ яратишдир.

Муҳаббат УСМОНОВА,
Ғиждувон туманидаги 16-мактаб ўқувчиси.

МЕҲНАТ МЎЪЖИЗА ЯРАТАР

НАМАНГАН

Алишер уйга қайтганида кеч кириб қолган эди: Ойисининг ҳавотирли нигоҳидаги саволга жавоб қилди: Дарсдан кейин қолиб ўзим тайёрлаётган «Амир Темур хиёбони» макетига қайта ишлов бердим. Сўнгра «АМО-15» автомобили моделини рангладим.

— Ундай бўлса яхши. Узинг ясаган «Татра» экскаватори модели ҳам кўргазмага тайёрми? — сўради дадаси Акбарали ака.

— Ҳа, бугун уни ҳам озгина сайқалладим.

Алишер Жалолов Наманган шаҳридаги Муҳсинжон Муқимов номли 22-ўрта мактабнинг 5- «А» синфида ўқийди ва «Ёғочдан моделлар ясаш» тўгарагига қатнашади. У ясаган ошатахта, чакич, қанддон ва бошқа идиш-анжомлар бугун оилада жуда асқотмоқда.

—Тўгарагида юздан зиёд ўқувчилар касб-ҳунар ўрганишмоқда, — дейди мактаб директори Ваққосхон Ҳотамов. —Улар тобора яхши натижаларга эришаётирлар. Ҳатто «тарбияси оғир», шўх ва қоидабузар болалар ҳам тўгаракка аъзо бўлгач, одоби ижобий томонга ўзгарди. Бунда тўгарак раҳбари, халқ таълими аълочиси Насимжон Муминжоновнинг хизмати катта бўлаётир.

Яқинда ташкил этилган ўқувчилар қўл меҳнати кўргазмаси ёш истеъдодлар эришган натижаларни чинакамкўрикдан ўтказди. Унда Алишер Жалолов биринчи ўринни эгаллади. Иброҳим Азизов ясаган автобус ва автогрейдер моделларига иккинчи, Равшан Содиқов билан Эгамберди Мўминовнинг ишларига эса учинчи ўрин берилди.

Кўргазмага қўйилган ҳар хил ҳаракатланувчи техника воситаларининг бежирим ва чиройли моделлари бошқа ўқувчиларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда. Улар ҳам тўгаракка ёзилиб, ҳунар ўрганишга бел боғлашаётир.

Асқаржон ОБИДОВ.

ШАҲРИСАБЗ

— Жамшид дарсларни яхши ўзлаштириш билан бирга бўш вақтини ҳам сира бекор ўтказмайди. Қачон қарасангиз бирор иш билан машғул. Тўгаракка ҳам анча эрта— 2-синфдан қатнай бошлаган, — дейди Жамшиднинг устози Алишер ака.

Бундай иқтидорли ўқувчиларнинг қўл меҳнатларини кўриб, очиғи, хурсанд бўлдим. Биз баъзида болалардан ранжиган ҳам бўламиз. Бир-иккита бебош болаларнинг кўчада бекорчиликдан санғиб юриши ҳозирги кунда сир эмас. Бекорчидан ҳар иш чиқишини, улар доимо кимгадир, нимагадир озор бериб юришларини кўрганимизда болалар бари ишёқмас, дангаса бўлиб кетишган деймиз.

Аслида-чи? Масалан, Шаҳрисабздаги Хисрав Деҳлавий номли мактаб ўқувчилари бундай фикрдан мутлақо узоқ эканлар. Меҳнат таълими ўқитувчиси Алишер Саломов 13 йилдан бери шогирдларига миллий санъатимиз бўлган ўймакорлик, наққошлик ҳунарларини ўргатмоқда.

—Тўгарак асосан қадриятларимизни тиклаш борасида иш олиб боради. Ҳафтада уч кун машғулот ўтказамиз. Ошхона учун керакли анжомлар, совға-қутичалар ясаш тўгарак аъзоларининг доимий машғулоти. Тайёр буюмлар сотилаётир. Талаб ёмон эмас, — дейди тўгарак раҳбари. — Ҳозирги кунда тўгарак ўзини-ўзи бошқаради. Эндиги ишимиз унга маҳалладаги ижодкор ўғил болаларни ҳам жалб этиб, тўгаракни кенгайтиришдан иборат.

Маъмура МАДРАҲИМОВА.

Суратда: Тўгарак аъзоси Жамшид Раҳмонов.

Сешанбадан жумагача

Азиз болажонлар, кейинги кунларда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг қатор давлатларда сафарда бўлганидан хабарингиз бор. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бу сафар Москва шаҳрида бўлиб ўтди. Унда қатнашган юртбошимиз бошқа президентлар қатори бугуннинг долзарб масалалари муҳокамасида иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Президенти Греция Республикасида илк бор расмий сафарда бўлди. Албатта бундай ташрифлар икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг кенгайишига сабаб бўлади. Шунингдек, грек ёшларини Сиз, азиз ўқувчилар, билан ҳам яқинлаштиради.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бир сўз билан айтганда, бу мустақил республикамизда ҳар бир ҳунар эгаси, унинг меҳнати қадрланишининг ифодасидир. Миллий маданиятимизни халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривож-лантиришда бу Фармон беқиёс аҳамият касб этади.

* * *

Болалар бадиий ижодиёти республика марказида Наврўз байрамига бағишланган кўргазма очилди. Унда тасвирий санъат, наққошлик, кулолчилик, заргарлик, ҳайкалтарошлик каби студияларда яратилган энг яхши асарлар намойиш этилмоқда.

«Йилнинг энг яхши журналисти» кўрик-танловига

2. АРМОННИНГ РАНГИ

Қадимда бир қонхўр подшо янги туғилган ўғил болаларни йиғиб оларкан-да, уларни ҳар қандай қўшиқ, мусиқа, алладан иҳоталаб, махсус энагаларга боқтиркан. Шу алфозда ўсган болалар 15 ёшга етгач, шунақанги бағритош қонхўр бўлиб етишар эканки, улар одамзод қилиши мумкин бўлмаган ёвузликларни қилишаркан...

Подшодан бунинг сирини сўрашганда у: «Агар юрагингнинг тош қотишини хоҳласанг, мусиқа ва қўшиқдан йироқ бўл. Акс ҳолда, сенда шафқат, меҳр-мурувват туйғулари уйғониб, ўзингни эмас, балки атрофингдагиларнинг кунига ярашни ўйлайсан. Менинг эса мақсадим битта. Янги -янги босқичлардан ҳамиша ғолиб чиқадиган лашкарларни тайёрлаш ва жангга солиш. Улар доимо менинг измимда бўлади, инчунин, алла эшитмаган бу юракларда меҳр бўлмайди. Бемеҳрлар эса жангда, жанг майдонида тукилган қонлардан ҳузур қилади», — деб жавоб берган экан. Энг қизиғи, тарихда ўтган подшоларнинг қўшиққа муносабатини кузатишганда ҳам бу афсона ҳақиқатга яқин эканлигига ишонасан киши. Айтишларича, Сталиннинг ҳам, Гитлернинг ҳам мусиқа, қўшиқ тинглашга майллари бўлмаган экан...

Ажабо, мазкур саркардалар қўшиқчиликдан йироқ яшасалар-да, қўшинларини жангга суронли оҳанглар билан бирга ташлайдилар. Улар бу оҳанглар қўшинни қирондан қайтмасликка ундашини яхши билишган.

Мусиқа табиат ва жамиятнинг омухта руҳини тартибга солиши ҳам, ёки бутунлай хароб этилиши ҳам мумкин бўлган илоҳий қудратга эга. Қўшиқ, мусиқа, аллани ким яратган ўзи? Руҳимиздаги иқлимлар ташналигида оҳанглар соғинчини туярканмиз, беихтиёр қадим-қадимдан айтилиб келинаётган ажойиб ривоятларимиз ёдга тушади. Парвардигори олам инсон жасадини яратгач, унинг ичига жонни солмоқчи бўларкан. Аммо қоронғу жасад ичидан қўрққан жон кирмайман деб фарёд чекаркан. Шунда парвардигор жасад ичига жонни мусиқа билан солган экан. Ўшандан буён инсон қонида, руҳида қўшиқ ва мусиқа уйғунлигини ҳис қилиб яшар эмиш. Балки шундайдир...

Баъзан кўнглингнинг ичида бир жавҳар титрайди. Елкангни босиб турган ҳаёт ташвишларини улоқтириб олисларга кетгинг келади. Ўша пайтда ўша жавҳар титрашини олгувчи бир қўшиқ тингласанг қушдай енгил бўласан. Руҳингда кезинган енгиллик бутун томирларинг оралаб югуради. Қайта туғилгандек бўласан.

Афсуски, кўнгил жавҳарини топгувчи қўшиқларимиз негадир озайгандек, назаримда...

Комилжон Отаниёзов ижро этган қўшиқлар нақадар гўзал. Уларни тинглаётганингда гўё жонинг тебранишини, озиқланаётганини туйиб турасан. Ўзингга сиғмай кетасан киши. Балки шу лаҳза жоннинг кенгликларга талпинишидир.

Шу ўринда Абу Райҳон Берунийнинг сўзларини хотирламоқ жоиздир: «Оҳанглар тартибга туширилган бўлгандагина руҳга (қалбга) кучли таъсир этади. Чунки руҳ—қалб тартибга туширилган нарсани қабул қилади ва шунинг учун ҳам у шеърга кўпроқ интилади. Негаки, шеър низомлидир, аммо руҳ мусиқага тушадиган шеърларга янада кучлироқ майл қўяди, негаки бунда шеърнинг тартиби оҳангга мос, уйғунлашган бўлади». Билмадим, бастакору қўшиқчиларимиз яратаётган ҳар бир қўшиғи илдизида миллат яшаётганини ҳис қиладимийўқми, аммо шундай бўлиши шарт.

Аввало, қўшиқчилигимизда шеър танлаш санъати ниҳоятда ғариб. Ундан кейин сўз ва мусиқа бир-биридан ўта йироқ, мавзулар ўта бачкана, мазмун тор, энг ёмони, овознинг ёқимсизлигини шовқинлар ва электр овоз кучайтиргичлар ёрдамида яширишга интилувчилар ниҳоятда кўп. Улар солаётган шовқин ичида ҳақиқий мусиқани ва қўшиқни ажратиб олиш нақадар қийин. Ҳозирги пайтда қўшиқчиликдаги профессионализм, яъни усталик деганда электр асбоблари ёрдамида тингловчини чалғита олиш тушунилмоқда. Жуда яқин замонларда пахтага дори сепиларди. Бу дoридан ҳар лаҳзада заҳарланиш хавфи бор эди. Чорасиз оналар болаларига сут ва қатиқ ичиришдан бошқа илож топмасдилар. Ва яна худога минг қатла шукурки, қишлоқ аҳлининг асосий озуқаси ҳам сут ва қатиқ эди. Ўша табиий озуқа туфайли дефолиация деган балодан омон чиққанлар кўпчиликни ташкил этади.

Мен бугун бир лаҳза хаёлан болалигимга қайтиб, Карим девонанинг ҳиргойиларини тингладим. Руҳимда тетиклик, вужудимда соғайишни ҳис қиляпман. Заҳарланаётган киши фожеани дарҳол сезмаслиги мумкин. Сиз «Наврўзи ажам» ёки «Чўли ироқ»ни тинглаб кўринг. Эл севган Маъмуржон қўшиқларини тингланг. Агар руҳингиз ҳаловат топгандек бўлса, демакки менинг барча ёзганларим рост. Бугунги кун «мусиқий дефолиацияси»дан заҳарланмаслик учун руҳингизга жон билан кирган оҳанглар, қўшиқлар дунёсига қайтинг.

Мен эса, оҳиста-оҳиста ботаётган қуёшга қарайман. Нима учундир уфқнинг ранги армоннинг рангига ўхшаб кетади. Қуёш эртага барибир чиқади. Ўз оҳанглари билан юрак жавҳарларини топадиган ўзбекона қўшиқларимиз шовқиндан карахт саҳналарни уйғотаверади.

Баҳор тунларининг қанотларида қўшиқлар учади. Самонинг қайсидир бурчагидан бизга омонлик тилаётган аждодлар руҳи тебраниб-тебраниб қўшиқ тинглайди:

Бир қўшиқки жон ичида
майхонаси бор,
Тебранганда чайқалади,
гулгун шароби.
Бир қўшиқки руҳинг аро
паймонаси бор,
Юзларингни ювиб борар
ишқнинг гулоби.
Бир қўшиқки сунбуланинг
сочидай узун.
Суворалар армонидан
сачраган туғён.
Бир қўшиқки
«Дилхирож»га
берилар бутун
«Қаро кўзим» соғинчидан
эрийди осмон.
Бир қўшиқки жон ичида
майхонаси бор.

Ҳалима АҲМЕДОВА.

БОЛАЛИГИМ ҲАМРОҲИ

Кеча ишдан қайтаётганимда қизиқ воқеа бўлди.

«Тонг юлдузи» газетасининг янги сонини қўлимга олиб ўқиб кетаётган эдим. Ёнимда ўтирган киши бир-икки томоқ қириб қўйди. Газета ўқиётганим ғашларига тегаяпти шекилли, деб ўйладим ва у кишига қараб қўйдим. Боя бу отахон билан навбатда турган эдик. Улар ҳам шу томонга борар эканлар-да, деган фикр хаёлимдан ўтди.

— Газетаданмисан, қизим? — сўрадилар отахон.

— Ҳа, шу газетадан, — дедим қўлимдаги газетага ишора қилиб,

— Қани бир кўрай-чи, қанақа газета экан.

Қўлимдаги газетани отахонга узатдим. Отахон кўзойнагини тақдилар-да менга қарадилар:

— Болалар газетасими?

— Ҳа, «Тонг юлдузи», Аввалги «Ленин учқуни»-да!

— Ростданми болам. Қара, хабарим йўқ экан-да! Мен ўқувчилик пайтларимда шу газетани жуда яхши кўрардим. Аввал кичик синфларда «Ғунча» га, кейин «Ленин учқуни»...га обуна бўлардик. Синфимиздаги ўқувчилар билан тарафма-тараф бўлиб ҳар бир сонини қолдирмасдан йиғишга мусобақа бўлардик. Ундаги қизиқ-қизиқ воқеаларни ўқиб завқланиб кетардим. Нима учун бизнинг болаларимизга етиб келмайди-а?

— Билмадим ота, ўқувчилар қизиқишса, албатта сиз томонларга ҳам келади.

— Ие, нима деяпсан? Нега қизиқишмас экан? Масалан, менинг набираларим бўш вақтларини нима билан ўтказишларини билишмайди. Бизнинг томонларга ҳам олиб келсанг, албатта обуна бўлишади. «Болам саводини чиқарсин, ўқисин, қизиқсин», — деганлар камми? Мен ҳам мактабда ўқийдиган набираларимни обуна қилдирардим... Улар ҳам ўқисин-да! Мана, биз шу газетани ўқиб катта бўлдик. Ёмон бўлганимиз йўқ, ахир. Газета болаларга овунчоқ бўлардида:

— Тўғри айтасиз. Ҳамма мактабларга, болаларга етиб борса ёмон бўлмасди...

— Болам, бу газетангни менга берасан, набираларимга ўқиб бераман...

— Майли ота, газета сизники. Мени эса бекатим яқинлашиб қолди. Сиз яшайдиган Паркент тумани болалари нега «Тонг юлдузи»га обуна бўлишмаганини туман раҳбарларидан сўраймиз-да!

— Раҳмат, болам сенга! Барака топ!

Отахон газетани қўлимдан олар экан, болаларча табассум билан уни авайлаб тахлади-да, чўнтагига солиб қўйди.

Отахоннинг самимий табассумлари кўз олдимдан кетмай туриб сиздан жавоб кутгим келди, Паркент болалари, ростдан ҳам ўз газетангиз «Тонг юлдузи»ни ўқимайсизларми?

Озода ТУРСУНБОЕВА.

ИЛҲОМ ЧАШМАЛАРИ МАВЖИ

«Ҳамза» номидаги театр биносида бўлиб ўтган Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими мактаб ўқувчиларининг «Илҳом чашмалари» кўрик-танлови Наврўз шодиёналарининг ўзвий давомига айланиб кетди. Кўрик хор гуруҳларининг Ватанни, дўстликни улуғловчи қўшиқлари билан бошланди. Ўзбек миллий лапарларининг жаранги, доира зарбию акробатик чиқишлар томошабинлар олқишини олди. Айниқса, ўқувчи қизларнинг турли миллат рақсларни меъёрига етказиб ижро этишлари дилларни завққа тўлдирди.

Ўзининг жозибали афғонча рақси билан томошабинлар олқишига сазовор бўлган ёш рaққоса Севара Соипова 22-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси. *—Мен рақс тушишни жуда яхши кўраман,— дейди у. —Шунинг учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Мадраҳимова раҳбарлик қилаётган «Юлдуз» рақс дастасига қатнашаман. Биз гуруҳимиз билан Туркияга борганимизда, ўша ерлик тенгдошларимиз бизнинг миллий рақсларимизни, айниқса, «Андижон полкаси»ни катта қизиқиш билан томоша қилишган. Мен келажакда устозим Насиба опамдек машҳур рaққоса бўлишни, миллий санъатимизни дунёга намойиш этишни орзу қиламан.*

Тумандаги 32 та мактаб ўқувчиларининг чиқишлари ниҳоятда қизиқ бўлди. Ҳар бир гуруҳ кўрикка жиддий тайёргарлик кўриб келибди.

С. Раҳимов тумани халқ таълими бўлими мудири А. Раҳматуллаев: «Илҳом чашмалари» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган. Бунга туманимиз мактаблари ҳам ҳар доим фаол қатнашишга ҳаракат қилади. 1996 йилда 1-ўринни эгаллагандик, бу йил ҳам биринчиликни қўлдан бермасликка ҳаракат қиламиз.

Танловнинг яна бир жонкуяри Т. Московсова: — Танловга туманимиз мактабларидан 2000 га яқин ўқувчилар қатнашади, — дейди ҳаяжонланиб. — Буни ташкиллаштириш албатта осон иш эмас, бироқ шунга қарамай, у мактабларимиз ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Тез кунларда яна бир хайрли тадбирни амалга оширмоқчимиз. Май ойида туманимиз мактабларида «Қўшиқ байрами» ўтказилади. Унда мактаб ўқувчилари ҳар доимгидек ўз дастурларини намойиш этишади. Бугунги кўрик-танловга Абдулла Набиев номли қўшимча таълим мажмуи, 17-мусиқа мактаби, 24-ҳинд тилига ихтисослашган мактаб, рус мактаблари ҳам фаол иштирок этишди. Масалан, 15-ўрта мактаб-рус мактаби, бироқ унинг репертуаридан ўзбек миллий рақслари, қўшиқлари ўрин олган.

Шермат Ерматов — кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати раиси:

— Бугунги кўрик-танлов иштирокчиларидан жуда мамнунман. Айниқса, бирлашган хор гуруҳларининг ижроси, ватанпарварлик, дўстликни улуғловчи қўшиқлар, турли миллат рақсларининг моҳирона ижроси, танланган костюмлар, буларнинг ҳаммаси ниҳоятда ажойиб. Ҳар бир гуруҳ иложи борича ўз маҳоратларини томошабинларга етказиб беришга ҳаракат қилишди. Уларнинг миллийликка эътибор беришгани кишини қувонтиради. Ўйлайманки, бундай тадбирлар ёш авлодни етук инсон қилиб шакллантиришга катта ёрдам беради. Янги овозлар, янги созлар соҳибларини кўз-кўз қилиб, «Илҳом чашмалари» кўрик-танлови ўз ишини бошлади.

Омад сизга ёр бўлсин, ёш санъаткорлар!

Дилрабо ДАВЛАТОВА.

Чет тилини ўрганиш учун тинимсиз машқ қилиш керак...

ЭЪЗОЗ

Қайси китобда ўқиганим эсимда йўқ, аммо, ўша китобда қуйидагича сўзлар битилгани ёдимда: Сувга чўкаётган тўқсон яшар чол ҳам беихтиёр «она!» деб бақираркан...

Она деган зотнинг буюклигини бировга уқдириб, тушунтириб бўлмайди. Чунки, она — ҳеч қандай изоҳга муҳтож бўлмаган бир ҳилқатки, бу ҳилқат оёғининг остида жаннат тимсолини англаганимиз бежиз ва беасос эмасдир. Менимча, онага муҳаббат инсон вужудига қон билан кирадиган бир умрбоқий туйғудирки, бу муқаддас туйғу энг нозик ҳолатлар, воқеалар, қувончу изтироблар баҳонасида қайтадан жонланади.

Менинг ҳаётимда ҳам бир воқеа сабаб бўлиб, она деган сўз мен ўйлагандан ҳам улуғроқ, мен тушунгандан ҳам теранроқ эканлигини ўшанда англадим...

Эсимда, бир дўстимнинг онаси оламдан бевақт кўз юмди. Ўша дўстимнинг онаси тириклигидаги ҳатти-ҳаракатлари ҳаргиз кўз олдимдан кетмайди. У онаси буюрган ишларни битта қуймай бажарарди. Ўйин билан овора бўлиб, қоронғи тушганини ҳам сезмай қолган кезларимиз кўп бўлган. Шундай лаҳзаларда онаси дўстимнинг номини айтиб чақирарди. Дўстим онасининг чорловига жавобан ўйинни тўхтатиб, уйига йўл оларди. У қаерда бўлмасин, синфдошлар бир жойга йиғилиб, бирга дарс тайёрлагандами, мактабнинг дарсдан ташқари юмушлари билан банд бўлгандами, бироз чўзилиб кетадиган турли мусобақалар пайтидами, албатта, онасини огоҳлантирар ва хавотир олмаслигини қайта-қайта уқтирарди. Биз ўшанда, у онасидан ўлгудай қўрқади, деб ўйлардик...

Онаси оламдан ўтгандан кейин дўстимнинг феъл-атворида, юриш-туришида ўзгаришлар бўлишини кутгандик. У энди аввалгидек уйга кеч қолишдан, мактаб ўқувчиларига хос бўлмаган айрим бемаъни ишлардан чўчимаса керак, деб гумон қилардик. Йўқ, ундай бўлмади. У аввал қандай бўлса, ўшандоқ одобли, иродали, уйдаги юмушларни ҳар галгидек сидқидилдан бажарар, уйга ҳам ўз вақтида қайтиб, эртанги дарсларга пухта тайёргарлик кўришдан бўшамас, бу борада укаларига ҳам ёрдам беришни унутмас эди. Бир гал уни қандайдир ўтиришга таклиф қилганимда, у кескин рад этди ва қўшиб қўйди: «Уйда укаларим ёлғиз, дадам ишдан кеч қайтадилар, уйдаги юмушларни бажармасам... онамнинг руҳлари хафа бўлади...» Аввалига ҳайрон, кейин эса лол қолдим. Назаримда дўстимнинг онаси, гарчанд вафот этган бўлса-да, тирик руҳи дўстимни қўллаб, уни бетайин, бесамар йўллардан қайтараётгандай, ўйин билан овора бўлган кезлари хавотир ва ҳадик билан унинг номини айтиб чақираётгандай, энг ёруғ, энг покиза йўлларга чорлаётгандай эди...

Келинг, азиз тенгдошларим, оналарни тириклигида шод қилайлик, эъзозлайлик.

Нафисахон ЖЎРАЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Қамаши туманидаги
Лутфий номли мактаб
ўқувчиси.

9 апрель—Соҳибқирон бобомиз таваллуд топган кун

АМИР ТЕМУР ТАНБЕҲЛАРИ

Ўзинг тарбиялаган кишини хароб қилма.

* * *

Ўйлаб иш қилсанг, тадбиринг тақдирга тўғри келади.

* * *

Қабиҳ ҳатти-ҳаракат ва ёмон ишлардан Тангри таоло мулкини сақла.

* * *

Қайси бир киши ақлга сиққан ишни куйиниб гапирса, суюб эшит.

* * *

Қайси бир сипоҳий нон-туз ҳаққини ва вафодорликни унутиб, хизмат пайтида соҳибидан юз ўгириб, сенинг олдингга келган бўлса, ундай одамни ўзингга душман деб бил ва даргоҳингдан қувиб юбор.

* * *

Қайси навкар бегига ихлос қўймай, кўнглида гина-кудурат сақласа, бахтсизликка учрайди.

* * *

Ҳар ернинг расм — одатини ҳурмат қил.

* * *

Ҳар бир сипоҳийнинг хизматини назарингдан четда қолдирма.

* * *

Ҳар ишни кенгашган ҳолда қил.

* * *

Ҳар кимдан сўз олиб, кенгаш сўра. Лекин, маслаҳатнинг яхши-ёмон тарафини ўйлаб кўриб, тўғри ва савоблигини танлаб ол.

* * *

Ҳар кимнинг қадр-қиммати ва тутган мавқеъига қараб муомала қил.

* * *

Ҳар неки деган бўлсанг, унга амал қил.

* * *

Ҳасад қилиб сени ўлдирмоқчи бўлса, қасд қилган кишиларга ҳам совға ва инъомлар бериб, мурувват кўрсат, токи, яхшиликларингни кўриб ҳижолат терига ғарқ бўлсин.

* * *

Ҳар қандай ишда танглик қилма.

* * *

Ҳеч кимдан ўч олиш пайига тушма.

* * *

Қилмоқчи бўлган ишларингни қилмасдан қолдирма.

* * *

Қудратимизга шак-шубҳанг бўлса, қурдирган иморатларимизга боқ.

* * *

Қўшилган — қўтилур, қўшилмаган — йиқилур.

* * *

Ғазаб ўтини тадбир суви билан ўчир.

* * *

Ғаним лашкарини синдириш қўшиннинг кўплиги билан, мағлуб бўлиши эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки, Тангри таолонинг мадади ва бандасининг тадбири билан бўлур.

ФАНЛАР ҲАФТАЛИГИ

Мактабимизда мунтазам равишда фанлар ҳафталиги ўтказилади. Ўтган ҳафта — математикага доир бўлди. Унда 7-«Г» синфнинг «Ҳисобдон» ва 8-«Б» синфнинг «Ибн Сино» гуруҳлари мусобақалашдилар. «Ҳисобдон» гуруҳи ғолиб келиб директор рахматномасини олишга сазовор бўлди. Алоҳида билимдонлик кўрсатган Раҳматова Дилфуза, Уринов Маҳсуд, Нурматова Дилнавозлар рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

Бундай қизиқарли ва мазмунли фан ҳафталикларига бизлар жиддий тайёргарлик кўриб, астойдил қизиқиш билан иштирок этамиз.

Муҳаббат ТЎРАЕВА,
Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги 4-ўрта мактаб ўқувчиси.

СЕРЖИЛО РАНГЛАР ШАЙДОСИ

Шундоққина қирлар бағридаги мактаб ҳовлисига кирдигу, шеъриятни соғинган болажонлар даврасига тушиб қолдик. Бизни қишлоқча самимий қарши олган ўқувчилар билан адабий учрашув бўлиб ўтди. Бу ерда 7-синф ўқувчиси Нодиржон исмли болакай билан танишдик. Муаллимларнинг айтишича, у ранглар шайдоси, табиат гўзаллиги ошуфтаси, ўқиши ҳам ёмон эмас экан. Отаси Сафар Болтаев шу мактабда 26 йилдан бери кимё-биологиядан сабоқ берарканлар.

— Еттинчи синфда 28 нафар ўқувчи бор, — дейди Нодиржоннинг устозларидан Шавкат Сафаров. — Улар орасида иқтидорли ўғил-қизлар анчагина. Нодиржон чизган расмларни кўриб, ҳайратга тушасиз... У дарсдан, уй ишларидан бўшадими, бас, ўзича болаларга хос завқ-шавқ билан ҳайратли кузатувларини тасвирга туширa бошлайди. Сержило ранглар излайди.

Дарҳақиқат, биз бу ҳайрат ва кузатувларнинг Нодиржон чизган ранг-баранг расмларда акс этганига амин бўлдик. Айниқса, унинг «Қалдирғочлар», «Чопаётган от», «Қирларда баҳор», «Сумалак» деб номланган чизгилари бизни қувонтирди.

Абдулла ТУРДИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Иштихон туманидаги 34-ўрта мактаб.





Республика ўқувчилар саройидаги мусаввирлик тўгарагига Аҳмед Маҳмутов бошчилик қиляпти. Улардан қўлида таълим олаётган иқтидорли болалар ҳақида анча нарса билиб олдик.

Дунёдаги энг гўзал ранглар оналарнинг меҳридан олинганга ўхшайди, — дейди, Аҳмед ака гап орасида.

Шу пайт кичик рассомлар— 197-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Фарҳод Файзиев ва 29-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Дониёр Тоҳировлар, биз онажонларимизни Наврўз билан табрикламоқчи эдик, нима совға қилсак улар хурсанд бўлишади, — деб сўраб қолишди. Аҳмед ака уларга оталарча меҳр билан боқиб: «Энг яхшиси, ўзингиз чизган сурат», — дедилар.

Бу суратларни Фарҳоджон ва Дониёрбеклар чизган.

АҚЛ БОШДА БЎЛАДИ

На оғизу на қўлда,
На у ёнда бўлади.
Ўрни бор ҳар
нарсанинг,
Ақл бошда бўлади.

Ақл қўлда бўлса гар,
Ёв босади оламни.
Урмоқликдан
тоймайман
Ҳатто ота-онамни.

Балки энг зўр китоблар
Шу қўлларда йиртилур.
Қўлнинг ҳукми зўр
келиб,
Имондан ҳам қайтилур.

Ақл бўлса бурунда,
Гердайганлар кўпаяр.
Ёшу қари шунда оҳ,
Бир-бирига кеккаяр.

Одамлар бир сўзлимас,
Икки сўзли бўлади.
Ақл худди нафасдак
Кириб-чиқиб туради.

Ақл бўлса оёқда,
Қалблар бўлмас очиқ,
кенг.
Фарзанд ота-онасин—
Қилаверар ерга тенг.

Ақл бўлса оғизда,
Қиз лабида қон бўлар.
Аллақачон одамлар
Бир-бирларин еб қўяр.

Ақл кўзда бўлса гар,
Нафс ҳеч тинч
қўймайди.
Тирик экан то одам,
Ҳеч нимага тўймайди.

Ақл бошда бўлса-чи,
Кўнгил нурга тўлади.
Золимлар-чи бунга
ҳеч—
Чидамайин ўлади.

Боболар-чи бемалол—
Ҳўп ёнбошлаб ўтирар,
Одамлар бир-
бирларин—
Бошларида кўтарар.

Меҳмон бўлар оналар,
Бошларида нон-патир,
Қандай яхши ақлимиз,
Бир умрга бошдадир.

На оғизу на қўлда,
На у ёнда бўлади.
Ўрни бор ҳар
нарсанинг:
Ақл бошда бўлади.

Шоди ОТАМУРОДОВ,
ТошДУ, журналистика факултетининг 1- курс талабаси.

— Ким ўша ёниб турган лампочкани уриб синдирса, ўша ҳақиқий мерган бўлади, келишдикми?
М. ЭШОНҚУЛОВ расми.

«Зирапча»га мактублар

Зирапча

ТОШБАҚА ҚАДАМ

Фарзандларни рўзнома ўқишга одатлантириш қандай яхши. Аммо Гангар қишлоғи туманимиз марказидан четроқда бўлгани учун бу ердаги Алишер Навоий номли мактабга болаларнинг севимли рўзномаси «Тонг юлдузи» бир—икки ҳафта кейин етиб келади. Баъзида қишдаги рўзномани кўкламда ўқишади. Алоқа ходимларининг бундай тошбақа қадамлари рўзномадан болаларимизнинг кўнгилларини совитиб қўймоқда. Натижада қишлоғимизда рўзномаларга обуна бўлиш ҳам жуда суст. Бунинг устига, рўзномалар жуда қиммат. сабабини маҳаллий журналист акалардан сўрасак, улар алоқа хизмати жуда қимматлашиб кетганидан, дейишади. Қизиқ, алоқа хизмати қимматлашса ҳам ҳаракатлари намунча суст экан?

Б. ҚОДИРОВА,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

ЧЎЗИЛГАН ВАЪДА

Узимиз-ку майли-я, аммо қишлоғимиз болаларига ачинганим-ачинган. Улар ҳам худди биздек ариқ сувида юз-қўлларини ювишиб, уни истеъмол қилишади. Аслида Қипчоқ ва Чек қишлоқлари 1984 йили водопроводлаштирилиши керак эди. Аммо, «Яккатут» ширкатлар уюшмаси бошлиғи Қ. Аҳмедовнинг сув ўрнига қоп-қоп ваъда бериши туфайли қишлоғимизга тоза ичимлик сувини келтириш аччиқ ичакдек чўзилиб келмоқда. Натижада, болалар орасида сариқ, жигар хасталиклари кўпайиб бормоқда.

Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларга водопровод суви келтирувчи мутасаддиларнинг «меҳрибончилиги» шумикан?

Ж. ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти,
Бешариқ тумани.

ТОШОТАРДАН ДОД

Кеч бўлди, дегунча кўчага чиқолмаймиз. Кўчамиздаги симёғочларга қўйилган бирорта лампочка ёнмайди, савоб учун атайлаб ёнимиздан лампочка сотиб олиб келиб қўйсак, бир кун ёниб туради, холос. Маҳалламизда қўлига рогатка ушлаган болалар ёниб турган лампочкаларни нишонга олиб, тош отадилар. Бундай тош отар — мерганларнинг дастидан кечалари кўчамиз қоп-қоронғу бўлиб қоляпти. Ана шундай тошотарларга бир-икки нордон гапни айтиб қўй, Зирапча! Шояд улар инсофга келишса.

Р. АМИНОВА,
Самарқанд вилояти, Чархин қўрғони,
Фурқат кўчаси, 10-уйда яшовчи нафақахўр.

АПРЕЛ ҲАЗИЛ-ҲУЗУЛЛАРИ

Алиба кўрган тушини айтолмай ойисига қараб, лабларини чўччайтираверди. Шунда онаси сўради:

— Бир гапни айтмоқчимисан?

— Айтмоқчиман. Кечаси сиз кўзимнинг ичида юрибсиз.

* * *

Ҳисоб ўқитувчиси Адҳамга савол берди:

— Яна бир саволимга жавоб берсанг, кейин баҳо қўяман. Тўртдан бирни олсак, неча қолади?

— Тўртдан бирни олмай, қўшиб қўяқолинг, кўнглимдаги бўлади.

* * *

— Ойи, нега одамлар «Ал[...]дагани бола яхши», дейишади? — сўради Бахтиёр мақоллар китобини ўқиркан.

— Қўлингдаги китобда негалиги ёзилмаганми?

— Ёзилмаган.

— Унда бу мақол ҳам апрелда тўқилган экан-да!

— Юр, биринчи дарсга кирмаймиз, ундан кўра коммерческий дўконларни айланиб томоша қилиб келамиз.

Муроджон УНГАРОВ расми.

* * *

Ўқитувчи Аҳрордан сўради:

— Айт-чи, одам қайси ҳолатда берилган саволга жавоб беролмайди?

— Ухлаётган пайтда?!

— Ие, ҳали дарс пайтида ухлаб ўтирганмидинг?!

— Савол берсангиз, ухларман.

* * *

— Нега сени аданг «Тентаквой» дедилар?

— Ҳисобимни ишлаб берсалар, шундай дейдилар, ўрт[...]

* * *

Биринчи синфда ўқийдиган Одил мактабдан кела солиб, папкани уйга улоқтирди-да, онасига қараб ўнг қўлини кўтарди.

—Бу қанақа қилиқ? — жаҳли чиқиб сўради онаси.

— Буни ўқитувчимиз бугун ўргатдилар: эшикка чиқиб келай, ойи?

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0225.
11960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6